

ХОРАЗМ ВОҲАНИНГ ИЛК ТЕМИР ДАВРИ МУДОФАА ТИЗИМИ

Аҳмадалиев Камрон Тўхтасин ўғли

Бухоро давлат университети талабаси

Болтаев Бобир Бахтиёрович

Илмий раҳбар: – т.ф.ф.д. (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10894842>

Хоразм воҳасининг қадимги давр шаҳарларининг мудофаа девори дастлаб пахсадан тикланган, тўғри йўналиш асосида қурилган. Бундай пахса деворни қўшни худудлардаги ёдгорликларда ҳам учратиш мумкин. Афросиёбнинг пахса девори дастлабки даврда "вал" шаклдалиги маълум¹. Бундай пахса деворни тўғри йўналишга эга бўлган, аммо унинг устки қисмининг икки чеккаси маълум бир аниқ чегарага эга эмас², бундай кўтарма "вал", Бақтриядаги Қизилтепада ҳам кўзга ташланади. Оддий ва содда ҳолдаги "вал" шаклдаги девор Фарғона водийсидаги Шўрабашат ёдгорлигида ўрганилган. Хоразм қадимги давр шаҳарларидан Кўзалиқирнинг режалаштирилиши Марғиёна, Сўғд, Бақтрия шаҳарлари тархидан кескин фарқ этади. Дарҳақиқат, бу ёдгорлик баланд қир устига уч бурчак шаклда қурилган³. Хоразмнинг қадимги давр шаҳарлари мудофаа тизимининг яна бир асосий элементларидан бири йўлак ҳисобланади. (Кўзалиқир, Қалъалиқир). Бундай йўлаклар Афросиёб (Сўғд), Ерқўрғон, Узунқир, Сангиртепа (Кашкадарё Сўғди), Қизилтепа, Талашган, Хайитобод, Шимолий Бақтрия ёдгорликларида ўрганилди. Хоразм қадимги давр шаҳарлари мудофаа тизимида етакчи ҳимоя услубларидан бири буржлардир. Хоразм шаҳарлари мудофаа тизимида уч хил шаклдаги буржлар қурилиши амалга оширилган, ярим айлана, тўғри тўрт бурчак, квадрат. Кўзалиқир деворининг ярим айлана шаклдаги буржи жуда қадимги бўлиб, мил. авв. VI асрга тегишлидир. Девор ва буржлар шахмат усулда қўйилган, тўғри бурчакли шинакларга эга. Кўзалиқир деворидаги буржлар ўртасидаги масофа 36 м. Девор ва бурж тўғри бурчакли хом ғиштдан тикланган. Бу хусусият бутун Марказий Осиё ҳудудидаги шаҳарлар қурилишига хос эди.

Кўзалиқирнинг қурилиши ва унинг мудофаа тизими маҳаллий муҳандислар томонидан амалга оширилган дейиш мумкин. Мил. авв. I минг йиллик ўрталарида хоразмликлар ҳарбий ва шимоли-шарқий ва жанубий чегаралари дахлсизлигини таъминлаш мақсадида такомиллашган ҳарбий чегара мудофаа тизимига эга бўлган шаҳарларни кўрганлар. Бу тарихий даврда қурилган шаҳарлар алоҳида девор билан ўраб олинган аркга эга бўлган. Бундай мудофаа услуби Кўзалиқир, Ойбуғирқалъа, Хива, Хазорасп ёдгорликларида ўрганилган. Қадимги давр шаҳарлари мудофаа тизимида шинаклар алоҳида ўрин эгаллайди. Кўзалиқир мудофаа тизимида қўлланилган шинаклар тўғри бурчакли булиб, шахмат усулида жойлаштирилган. Шаҳар мудофааасида катнашган жангчи йулакнинг маълум бир белгиланган жойида туриб, уч шинак оркали душманга зарба бериш имконияти бўлиб, фаол хужумни олиб бориш билан бирга, мудофаааси ожиз жойга тез етиб бориш имконияти бўлган.

¹Шишкина Г.В. Древней Самарканд и его округы // Материалы международного коллоквиума. -Ташкент: Фан, 1987.

²Турабеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согаа. Нукус, 1990. С 76.

³ Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: Наука. 1948. С. 92-97.

Хоразм қадимги давр шаҳарлари мудофаа тизимидаги энг муҳим элементларидан бири дарвоза олди мураккаб иншооти эди. Мил. авв. VI асрдаёк хоразмийлар дарвозага алоҳида эътибор бериб, дарвоза олди ҳимоясини йўлга қўйганлар. Хоразмнинг қадимги давр шаҳарларини ўрганиш жараёнида олинган материаллар бу ҳудудда яшаган қабилалар юксак даражада тараққий этган меъморчилик, қурилиш ва мудофаа тизимига эга бўлган деган хулоса чиқаришга имкон берди. Мил. авв. VI-V асрларда қурилган Хоразм шаҳарларининг мудофаа тизими актив мудофаага асосланиб пиёда ва отлиқ аскарлар зарбасига мос ҳолда қурилган бўлиб, шаҳар аҳолиси ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Археологик ашёлар ва юқорида келтирилган далилларга асосланиб мил. авв. I минг йиллик ўрталарида жамият тараққиётидаги сифат жиҳатидан туб ўзгаришлар шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий-топографик ва мудофаа тизими услубига қараб:

1) Катта, мураккаб мудофаа иншоотга эга бўлган шаҳарлар (70,40,33,26 га, Калъалиқир, Кўзалиқир, Бозорқалъа, Хива).

2) Ўртача катталиқдаги шаҳарлар (20-6га) Ойбўйирқалъа, Хазорасплар киради;

3) Мудофаа тизимига эга бўлган қишлоқларга (1-0,5 га). Дингилжа, Қушқалъа, Одойтепалар мансуб;

Мил.авв. VI-V асрларда Хоразм воҳасида мавжуд бўлган қалъаларнинг тархи ва мудофаа тизими услубига қараб, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

I гуруҳ. Катта ҳажмдаги шаҳарлар. Бу шаҳарлар аҳоли манзилларини икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Тархи тўғри бурчакли, атрофи дахлизли тўғри бурчакли буржи бор, тўрт дарвозага эга, аммо дарвоза олди мураккаб иншоотга эга эмас (Хива).

2. Дарвоза олдида мураккаб иншоот арк мавжуд (Кўзалиқир, Қалъалиқир).

II гуруҳ. Ўртача катталиқдаги шаҳарлар. Бу шаклдаги шаҳарларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1) тўрт томони тенг икки қаторли девор, тўғри бурчакли бурж, йўлак дарвоза лабиринтга эга эмас. Аммо арка эга (Хазорасп).

2) тархи уч бурчак ҳолда девор, йўлак дарвоза, дарвоза олдида лабиринт мавжуд, арк-аъло мавжуд эмас (Ойбуғирқалъа).

III гуруҳ. Қишлоқ манзилларининг меъморий-топографик ва мудофаа тизими хусусиятларига қараб, икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Тўғри бурчакли тархи, девор, йўлак мавжуд, арк, бурж, шинак мавжуд эмас (Дингилжа);

2. тўрт томони тенг девор, йўлак, бурж, айлана шаклда дарвоза, найза учли шинаклар мавжуд, арк, мураккаб лабиринт йўл (Қушқалъа, Одойтепа, Қанғқақалъа-1,2). Демак, мил. авв. VI-V асрларда Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарларида мавжуд бўлган мудофаа иншоотларининг ривожланиш жараёнини қуйидагича тасвирлаш **мумкин**.

1. Махсус мудофаа иншоотларига эга бўлган қалъалар. Пухта ишланган режалаштириш, тўрсимон ички тузилиши йўлак бурж, дарвоза, дарвоза олди мураккаб иншоотли қалъаларнинг мукамал мудофаа иншоотларини қамраб олган мудофаанинг мавжудлиги.

2. Оддий ва мураккаб услубдаги қишлоқ мудофаа тизими.

Хоразм воҳасида меъморчилик, режалаштириш, қурилиш билимлари мудофаа иншоотларининг пайдо бўлиши Ўрта Осиёнинг бошқа худудларидан кескин фарқ қилиб, мудофаа билимлари меъморчиликда мукамал ҳолда пайдо бўлишидир.

Демак, Қадимги Хоразм ҳарбий истеҳкомларининг юзага келиши ва амал қилишининг биринчи даври мил. авв. VII—VI асрларга тўғри келади. Кўзалиқир шаҳристони материалларига асосланиб, Хоразмнинг архаик даври икки: илк архаик ва сўнгги архаик босқичга бўлинади.

Кўзалиқир материалларининг типологик таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хоразмнинг илк архаик даври ҳарбий истеҳкомлари иншоотлар тарҳига кўра мунтазам бўлмаган, тепаликда жойлашган, ўлчамлари катта, қалъа деворларида бир қаватли этник йўлаклари бўлган гумбазсиз, текис бостирмали бўлган. Буржлари бир оз туртиб чиққан, ички бўшлиғида йўлаklar йўқ. Истеҳком деворлари ва буржларида тўғри бурчакли шинаклар қўйилган.

Шинаклар пахса девор қавати доирасида шахмат тартибида қўйилган. Уларнинг асоси горизонтал, кириш ва чиқиш туйнуқлари тенг баландликда жойлашган. Илк архаик истеҳкомларнинг асоси бўлмаган, отиш йўлаклари анча паст жойлашган. Қурилиш материали ва техника ҳам кейинги даврдагилардан фарқ қилган. Иккинчи босқичда Кўзалиқирда квадрат ғиштлардан тарҳи тўғри бурчак шаклидаги ҳимоя буржлари қурилган. Деворида уч қатор шинаклар қўйилган. Шаҳристон қалъа девори билан икки қисмга бўлинган. Улардан бири тепаликнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. У шаҳарнинг дастлабки маркази ва қалъаси бўлган. Иккинчи қисми «Паст шаҳар» деб аталган.

Кўзалиқир бирламчи тузилма эканлиги шубҳасиз: ҳунарлар конструкцияси, ибодат қилинадиган бино қолдиқлари, қалъа тўсиғи ичидаги аҳоли қатламлари ижтимоий жиҳатдан ҳар хил бўлганлиги шундан далолат беради⁴.

Қалъалиқир 1 шаҳристони архаик давр охирига тааллуқли. Унинг тарҳи тўғри бурчак шаклида, ўлчамлари 1000 x 700 м. Деворлари буржлар билан кучайтирилган, тўрттала дарвозаси ҳам пешдарвоза адаштирма йўл ва буржлар билан ҳимояланган, улар дўнглик тарзида сақланиб қолган. Асос (пойдевор) устидаги уч қатор ўрқач учта девор қолдиғидир.

Ўрқачнинг ўлчамига кўра, ташқи деворнинг калинлиги 3.80 м, ўрта деворники – 2.80 м, ички деворники ҳам – 2.80 м бўлган. Шаҳристоннинг ғарбий қисмида, бевосита девор ёнида аҳоманийлар монументал архитектураси анъаналари бўйича қурилган қаср биноси бўлган. Қаср ва истоҳком қуриб тугатилмаган, бу Хоразмнинг аҳоманийлар ҳукми остидан чиқиши билан боғлиқ бўлса керак⁵.

Қадимги Хоразм ҳарбий истеҳкомлари Марказий Осиё ҳарбий истеҳкомлари тизимида алоҳида ўрин тутади.

Кўзалиқир ва Қўйқирилганқалъадаги усти ясси ёпилган шинакларга умумий жиҳатдан ўхшаш шинаклар Тали Барзу шаҳристонида учрайди. Бироқ бу ўхшашлик тўлиқ бўлмай, айрим фарқлар ҳам бор. Масалан, Кўзалиқирда ши накларнинг қуйи қисми-туби нишаб

⁴ Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. М.1948. –С.77-82.

⁵ Толстов С.П. По древнем дельтам Окса и Яксарта. М. 1962. –С.109-117.

эмас, кириш ва чиқиш туйнуклари деярли горизонгал бўлиб, ички томондан ҳам, ташқи томондан ҳам шохмотсимон тартибда жойлашган⁶.

Марказий Осиё худудиди бирон-бир шаклдаги шинакларнинг пайдо бўлиши тарихини ўрганиш зарур. Найзасимон шинаклар энг қадимги эканлиги, улар ассирия анъаналарига бориб тақалиши ва ахоманийлар ҳамда парфия Эрони тарихини босиб ўтганлиги, лекин сосонийлар давригача етиб келмаганлиги тўғрисидаги фикрлар ҳам бор, албатта⁷. Қуйидагича факт ҳам мавжуд: мил. авв. II минг йиллик охирида барпо этилган манзилгоҳ очилиб, унда найзасимон шинаклар прототипи бўлган найзасимон ёруглик туйнуклари топилган. Л.И. Альбаум фикрича, бу бинокорлик санъати ахоманийлар (Кучуктепа) ва грек-бақтрлар даврида (Далварзин) янада ривожланган⁸. Хоразмга келганда, бу ерда ҳозирча усти ясси ёпилган шинаклар (Кўзалиқир) энг қадимги ҳисобланади. Бироқ Хоразм ҳарбий меъморчилигида шинакларнинг бу типи ривож топмади, аксинча, найзасимон шинаклар кенг қўлланилди.

Суғдда шинакларнинг шохмот тартибида жойлашуви қайд этилган. Афросиёбда иккинчи босқичда калъа деворида шохмот тартибида жойлаштирилган, 0,85x0,25 см, чуқурлиги 1,1 м бўлган икки қатор сохта шинаклар қайд этилган⁹.

Илк темир даврига оид Хоразм шаҳарларининг режалаштирилиши, меъморчилиги, ва мудофаа тизимига қараб, қуйидагича хулосани килиш мумкин:

1. Муҳандисчилик нуқтаи назаридан, аввалдан пухта ишлаб чиқилган ҳолда режалаштирилиш (уч бурчак, туғри бурчак, тўрт томони тенг шаклда).
2. Катта ҳажмдаги илк шаҳарларнинг қурилишининг йўлга қўйилиши (Кўзалиқир, Қалъалиқир, Бозорқалъа).
3. Такомиллашган мураккаб мудофаа элементларининг пайдо бўлиши (девор, бурж, шинак, арк, йўлак, дарвоза олди иншооти, ҳандак).
4. Арkning пайдо бўлиши (Кўзалиқир, Хива).
5. Мудофаа иншоотлари қурилишида тўғри бурчакли ва тўрт томони тенг ҳом ғиштнинг ишлатилиши.
6. Ҳарбий қуролларнинг такомиллашиши (ўқ - ёй, ханжар, пичок, найза, қилич).
7. Меъморчилик, муҳандислик, қурилиш мудофаа билимларнинг ривожланиши.
8. Атрофини қалин мудофаа девор билан ўраб олинган маконларни қуриш заруриятини вужудга келтирди.

References:

1. Шишкина Г.В. Древней Самарканд и его округы // Материалы международного коллоквиума. -Ташкент: Фан, 1987.
2. Турабеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согаа. Нукус, 1990. С 76.
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: Наука. 1948. С. 92-97.

⁶ Ходжаниязов Ф. Қадимги Хоразм мудофаа иншоатлари. Т.2007. 113-б.

⁷ Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. М.1948. –С.90.

⁸ Альбаум Л.И. Стратиграфия кушанских поселений Ангорского района Сурхандарьинской области. // Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. 2 М., “Наука”.1975. –С.24.

⁹ Бернар., Грене Ф., Исимиждинов М.Х. Основные результаты узбекско-французской экспедиции на Афрасиабе в 1990-1991 гг. // ОНУз. №3-4.Т., 1994. –С.35.

4. Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. М.1948. –С.77-82.
5. Толстов С.П. По древнем дельтам Окса и Яксарта. М. 1962. –С.109-117.
6. Ходжаниязов Ф. Қадимги Хоразм муҳофаа иншоатлари. Т.2007. 113-б.
7. Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. М.1948. –С.90.
8. Альбаум Л.И. Стратиграфия кушанских поселений Ангорского района Сурхандарьинской области. // Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. 2 М., “Наука”.1975. –С.24.
9. Бернар, Грене Ф., Исимиддинов М.Х. Основные результаты узбекско-французской экспедиции на Афрасиабе в 1990-1991 гг. // ОНУз. №3-4.Т., 1994. –С.35.



INNOVATIVE
ACADEMY